# Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказининг Халқаро ҳамкорлик бўлими фаолияти юзасидан

# МАЪЛУМОТ



# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК БЎЛИМИ




Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2012 йил 28 мартдаги** “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 87-сонли қарорига мувофиқ Халқаро ҳамкорлик бўлими Марказнинг таркибий қисми сифатида ташкил этилган.

# Бўлим ўз фаолиятини қуйидаги **норматив ҳужжатлар**:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон "Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги қарори
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон "Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори
- Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 29 августдаги 149-ум-сон буйруғига мувофиқ амалга оширади

Халқаро ҳамкорлик **икки йўналишда** амалга оширилади:

юридик соҳа вакилларини қайта тайёрлашни амалга оширувчи ихтисослашган хорижий таълим муассасалари билан биргаликда иш олиб бориш



халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК БЎЛИМИ

Марказ халқаро ҳамкорликни сифатли ва самарали амалга ошириш мақсадида ўз фаолиятини қуйидаги шаклларга йўналтиради:

- Марказ профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилари учун хорижий мамлакатларнинг таълим муассасаларига ташрифларини ташкиллаштириш;
- қўшма ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- хорижий ўқув муассасаларининг етакчи илмий-педагогик ходимларини ва экспертларини Марказдаги ўқув жараёнига жалб қилиш бўйича ишларни ташкил этиш;
- илмий мақолалар ҳамда нашрлар алмашинувини ташкил этиш;
- юқори салоҳиятли миллий ва хорижий вакиллари иштирокида конференциялар, симпозиумлар, “давра суҳбатлари”, баҳс-мунозараларни, шу жумладан, видеоконференцияларни ташкил этиш;
- масофавий таълим соҳасида тажриба алмашиш;
- хорижий давлат меҳмонларини, делегациялар ва бошқа хорижий ташкилот вакилларининг ташрифи билан боғлиқ тадбирларни ташкил этишда Марказнинг барча бўлим ва кафедралари фаолиятини мувофиқлаштириш.

# Марказ кўплаб **халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари** билан ўз ҳамкорликларини ўрнатди, хусусан:

ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар координатори (ОБСЕ) ***(донор) (ҳозирда 100000 евролик лойиҳа мавжуд)***

БМТ тараққиёт дастури (ПРООН) ***(донор)*** (Давлат хизматларини кўрсатиш борасида келажакда амалга ошириш мумкини бўлган истиқболли режалар юзасидан муҳокамалар олиб борилди лойиҳа тайёрлаш жараёнида)

Германия Халқаро ҳамкорлик ташкилоти GIZнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, “Марказий Осиёда ҳуқуқий давлатчиликни тарғиб қилиш” GIZ минтақавий дастури (2020 йил 10 августда Адлия вазири ва GIZнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўртасида шартнома имзоланган)




АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигининг (USAID) Ўзбекистонда ҳуқуқий ислоҳотлар дастурини ***(донор)*** (Марказ техник таъминот билан таъминланди ва Суд хонаси жихозлаш ишлари амалга оширилди)

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕБРР) ***(донор); (ҳозирда 220000 евролик лойиҳа тасдиқланди)***

Германиянинг Ўзбекистондаги Конрад Аденауэр ҳамда Фридрих Эберт филиаллари Суд тизими ходимларини ўқитиш Судьялар Олий Мактабига ўтганлиги сабабли ҳозирда алоқалар тўхтатилган.

Словениянинг “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти (2013 йилдаги Меморандум мавжуд) Суд тизими ходимларини ўқитиш Судьялар Олий Мактабига ўтганлиги сабабли ҳозирда алоқалар тўхтатилган.

Сўнги 3 йил давомида Марказ томонидан бир қатор хорижий давлатларнинг **турдош таълим муассассалари** билан, жумладан:

Беларус Давлат университетининг Судьялар, прокурорлар, Суд ва Адлия ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (2020 йил)

Қозоғистон Республикаси Олий суди қошидаги Одилсудлов академияси (2018 йил)



билан ҳамкорлик Меморандумлари ва шартномалар имзоланди



Ҳозирда, **Япония** Адлия вазирлиги ҳузуридаги Илмий-тадқиқот ва таълим институти билан ҳамкорлик шартномаси имзолаш бўсағасида турилибти.

**Латвия** университети қошидаги Узлуксиз ҳуқуқий таълим ва малака ошириш маркази ва **Азербайджан Республикаси** Адлия вазирлигининг адлия Академияси билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш юзасидан сўзлашувлар олиб борилмоқда

Сўнги йиллар давомида (2018-2020) Марказ профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг **16 маротаба** хорижий давлатларга хизмат сафарлари амалга оширилди, жумладан:

2018 йилда Қозоғистон (Астана), АҚШ (Техас штатининг Бронсвилль ва Остин шаҳарлари), Хитой (Сиянь, Пекин), Германия (Вильм провинцияси), Тожикистон (Хўжанд)

2019 йилда АҚШ (Вашингтон шаҳри), Швеция, Қозоғистон (Алмата), Хитой (Шанхай), Швейцария, Сингапур.





# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК БЎЛИМИ




**O‘quv jarayoniga jalb qilingan chet ellik mutaxassislar soni**

**8**



Имзоланган ҳамкорлик Меморандумлари ва шартномалар асосида Марказ томонидан сўнги 3 йил давомида давомида **30 дан** ортиқ халқаро конференциялар, симпозиумлар, семинар ва тренинглар ташкил этилди.



халқаро ташкилотлар кўмагида 30 дан ортиқ халқаро илмий-амалий тадбирлар – жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 мартда тасдиқланган ПҚ-3602-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 майдаги 392-ф-сонли фармойишига мувофик ҳамда ЕХҲтнинг Ўзбекистондаги лойиҳа координатори ва Фридрих Эберт жамғармаси ваколатхонаси (Германия) кўмагида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида “Малакали юридик кадрларни тайёрлаш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт”мавзусидаги халқаро конференция ташкил этилди. Анжуманда АҚШ, Латвия, Япония, Германия, Россия, Қозоғистон, Белгия, Туркия экспертлари иштирок этишди.



Шунингдек, Хива шаҳрида “Суд — ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар–Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи” мавзусида анжуман ташкил этилди. Мазкур тадбир Корнер Аденауер (Германия) жамғармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси кўмагида ўтказилди.

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК БЎЛИМИ

Бундан ташқари, 2019 йилда ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар координатори кўмагида медиация бўйича профессионал медиаторларни тайёрлаш курслари ўтказилди, шунингдек Сингапурга ташриф уюштирилди;

2021 йилнинг март ойида АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигининг (USAID) Ўзбекистонда ҳуқуқийислоҳотлар дастури кўмагида гендер тенглиги бўйича семинар тренинг;

2021 йилнинг июль ойида АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигининг (USAID) Ўзбекистонда ҳуқуқий ислоҳотлар дастури кўмагида профессионал медиаторларни тайёрлаш бўйича тренинг ўтказилди ҳамда тадбир иштирокчилари махсус сертификатлар олишди.

**ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ**
**ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали**
**№4 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-4**

**Бош муҳаррир:**
**Рабиев Шерзод Миржалилович**

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш
маркази директори

**Бош муҳаррир ўринбосари:**
**Отажонов Аброржон Анварович**

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш
маркази директори ўринбосари
юридик фанлари доктори, профессор

**ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ**
**ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали**
**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

**Окюлов Омонбой**

*Юристлар малакасини ошириш маркази профессори, юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист*

**Саидова Лола Абдувахидовна**

*Юристлар малакасини ошириш маркази профессори, юридик фанлар доктори*

**Тошев Бобокул Норкобилович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлар доктори*

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович**

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси бошлиғининг ўринбосари*

**Отахонов Фозилжон Хайдарович**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг директори, юридик фанлар доктори, доцент*

**Баймолдина Зауреш Хамитовна**

*Қозоғистон Республикаси Олий Суди Академияси ректори, юридик фанлари номзоди*

**Годунов Валерий Николаевич**

*Белорус давлат университети ўқув муассасаси ”Судьялар, прокуратура, суд ва адлия муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти“ директори, юридик фанлари доктори, профессор*

**Масъул котиб:**
**Рахманов Шухрат Наимович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлар номзоди*

2021 йилда 3 нафар чет эл фуқаролари медиаторлик курсларида тахсил олишди

Қозоғистон Республикаси Олий суди қошидаги Одилсудлов академияси ректори Боймолдина Зауреш Хамитовна

Беларус Давлат университетининг Судьялар, прокурорлар, Суд ва Адлия ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти директори Годунов Валерий Николаевич “Юрист ахборотномаси” электрон журнали Таҳрир ҳайъати аъзоси ҳисобланади